

РАҚОБАТБАРДОШЛИК - ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
ИҚТИСОДИЁТИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА
МУҲИМ ОМИЛ

Равшан Хидоят

Жиззах политехника институти

“Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

Убайдулла Холмурзаев–ЖизПИ Сервис факультети,
Профессional таълим йўналиши, 552-23 гуруҳ талабаси

АННОТАЦИЯ. Мазкур мақолада “Тараққиёт стратегияси”да белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда маҳсулотлар ва хизматлар кўрсатиш бозорларида монополияни босқичма-босқич камайтириш, ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш масалалари қараб чиқилмоқда.

КАЛИТ СЎЗЛАР. Барқарор иқтисодий ўсиш, рақобатбардошлик, самарали рақобат, барқарор иқтисодиётни ривожлантириш, либераллаштириш, таркибий ўзгаришлар, етакчи тармоқларни модернизациялаш ва диверсификациялаш, ҳалол рақобат, ташқи рақобат, талаб, тармоқлараро алоқалар.

ANNOTATION. This article considers the issues of creating an effective competitive environment for economic sectors to ensure the implementation of the tasks set in the "Development Strategy" and gradually reducing monopoly in the markets of products and services, ensuring the competitiveness of national goods in domestic and foreign markets, and increasing the competitiveness of the national economy.

KEY WORDS. Sustainable economic growth, competitiveness, effective competition, sustainable economic development, liberalization, structural changes,

modernization and diversification of leading industries, fair competition, external competition, demand, industry connections.

Маълумки, рақобатбардошлик моҳиятан товар ишлаб чиқарувчиларнинг минимал рентабелликни таъминловчи нархда ташқи бозорда сотиш учун ишлаб чиқаришга бўлган қобилияти ҳисобланади.

Барқарор иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва диверсификация қилиш ҳисобидан унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради.

Жаҳон бозорида беқарорлик ҳукум сураётган бир пайтда мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш масаласи устувор аҳамиятига эга.

Иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги турли шакл ва даражаларда намоён бўлади. Яъни булар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини; мамлакат корхоналарининг рақобатбардошлиги; мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг рақобатбардошлиги, мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлиги; мамлакатларнинг рақобатбардошлиги.

Бази олимлар рақобатбардошликнинг охириги икки шаклини бирлаштириб таърифлайди ҳамда ходимларнинг рақобатбардошлигини ҳам қўшади.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги унинг сифат ва нархига кўра бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотидан устунлиги билан белгиланади.

Корхоналарнинг рақобатбардошлиги устунликларини бир қатор омиллар белгилаб беради. Буни икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) миллий компанияларнинг ривожланиш даражаси; 2) макроиқтисодий бизнес муҳитининг сифати. Ҳар йили Швейцарияда бўлиб ўтадиган Жаҳон иқтисодий форумининг иштирокчилари марузаларида фирмалар даражасидаги рақобатбардошлик қуйдаги турларда асосий омил билан бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлайди: ресурслар (корхона маҳсулот

ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ресурсларнинг аввало мавжудлиги, ҳажми ва сифати); ташқи рақобат; талаб; тармоқлараро алоқалар.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги—ҳалол рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини қондирувчи, иқтисодий ўсиш ва турмуш сифатини оширишни таъминлайдиган товарларни ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, ўрта ва узоқ муддатга иқтисодий ўсишнинг юқори суратларини таъминлаб туриш қобилиятидир.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги масаласи доимо иқтисодчи олимлар диққат марказида бўлиб келган. Масалан буни М.Портернинг изланишларида кўришимиз мумкин.

М.Портер мамлакат иқтисодиётнинг рақобатбардошлиғининг ресурслар билан яхши таъминланганлигига боғлиқ эканлигини, рақобат устунлигини шакллантириш билан ҳам таъминлаб туриш мумкинлигини кўрсатиб беради ва унга мамлакатфирмаларининг рақобатдошлигини таъминлаш орқали эришилади, деган фикрни илгари суради.

Рақобатдошликни шакллантириш ва ривожлантиришнинг М.Портер концепциясига кўра, мамлакатнинг рақобат жиҳатдан устунликлари “Миллий ромб”ни ташкил этувчи тўртта унсурдан иборат. Булар эса қуйидагилардан иборат:

1. Меҳнат, материал, билим, пул, инфратузилма ресурслари билан таъминланиш мамлакатнинг рақобатдошлигига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ресурсларнинг айримлари олдиндан мавжуд бўлса, айримлари янгитдан яратилади ва ривожлантирилади.

2. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорлардаги талабнинг ҳажми, таркиби ва унинг ўзгариши миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига бевосита таъсир кўрсатади. Бу маҳсулотларга талаб ҳажмининг ошиши миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширади ва аксинча.

3. Рақобатдош ҳамкор ташкилотларнинг мавжудлиги мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, қиммат ресурсларни

мамлакат ичидан топиш, маҳсулот етказиб берувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, қолаверса янгиликларни жорий қилишга кўмаклашиш имконини беради. Минглаб бутловчи қисмларни талаб этувчи автомобилларни ишлаб чиқаришда рақобатдош бўлиш шу қисмларнинг аксариятининг мамлакатда ишлаб чиқарилишини йўлга қўймасдан мумкин бўлмаганидек, кимёқий толалар, тугмалар, сифатли бўёқлар ишлаб чиқарувчи корхоналар мамлакатда мавжуд бўлмаса, биргина пахта хом ашёсининг мў-қўллиги кўйлак ишлаб чиқаришда рақобатдошликни таъминлаш учун етарли бўлмайди.

4. Фирмани бошқаришда рақобатнинг хусусиятлари эътиборга олинади. Бунда турлича стратегия ва мақсадлар ишлаб чиқилади. Ички бозорда кескин рақобатнинг мавжудлиги фирмаларни ўз фаолиятини такомиллаштиришга, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ташқи бозорларга чиқишга ундайди. Кучли ички рақобат муҳитида тобланган фирмалар ташқ бозорда ҳам муваффақиятга осороқ эришади. Шу сабабли ҳукуматнинг мамлакат ичида эркин рақобат муҳитини яратиш, монополияга қарши курашиш каби чоратadbирлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада сақланиб қолаётганлигини ўзининг чиқишларида бот-бот такларламоқда. Чунки, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган истемол қилинган энергия ресурслари ва ҳомашё материаллари миқдори ривожланган давлатлардаги шундай кўрсаткичлардан анча юқорилигича қолмоқда.

Маълумки, Президентимиз томонидан 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармон имзоланди. Бунга кўра, 2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич тадбиркорликка оид барча мажбурий талабларни ягона электрон реестрга киритиш тартиби жорий этилади ҳамда

такрорланувчи ва ўз аҳамиятини йўқотган мажбурий талаблар қайта кўриб чиқилиб, ягона реестр 2025 йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ ишга туширилади;

2022 йил 1 апрелга қадар тадбиркорлик субъектларида масофавий (онлайн) фаолият кўрсатиш имкониятларининг мавжудлигидан ҳамда уларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш тартиб-таомиллари соддалаштирилади;

Мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш. “Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти” ғояси асосида 200 та экспортчини очик танлов асосида саралаб, уларни етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Милий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун бугунги кунда барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилгани каби йўл-транспорт инфратузулмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон 2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси.

2. Ўзбекистон Respublikasi Prezidentining “Рақобат муҳитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бойича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ”2020-йил 6-июлдаги ПФ-6019-сонли фармони.

3. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт /Муалифлар жамоаси: Р.О.Алимов, А.Ф.Расулов, А.М.Қодиров ва бошқалар / С.С.Ғуломов таҳрири остида-Тошкент, 2006-йил 440-бет.